

Тўлқин ҲАЙИТ



ОДАМНИНГ
ЯХШИСИ

Тўлқин ҲАЙИТ

**ОДАМНИНГ
ЯХШИСИ**

(ҳикоялар)

Тошкент
«Мухаррир» нашриёти
2011 йил

УДК: 821
ББК 84 (5Ў)6
Х-19

Ҳайитов, Тўлқин

Одамнинг яхшиси: ҳикоялар / Т.Ҳайит. -Т.: «Мухаррир» нашриёти, 2011. - 32 б.

ББК 84 (5Ў)6

Дам олиш пайтларида яхши ҳикоя ўқиб, ҳордиқ чиқаришнинг гашти бор. Гоҳо ўзингиз учун кўнгил одами кидириб қоласиз, ана шундай лаҳзаларда ҳам адабиётдан руҳ олиб яшашга бўлган кизиқишингизнинг ошиши тайин. «Ишқибоз» – митти ҳикоя, лекин унинг қаҳрамонида интилиш, ҳаётга кизиқиш бор, айнан ана шу ҳолат уни мақсадига етказди. «Анатолнинг отасига раҳмат!» ҳикоясини ўқинг. Шунақа одамлар ҳам борми, дейсиз. Бор бунақа одамлар. Ҳикоя билан танишган бир яхши инсон: «– Анатольнинг отасига ҳам, муаллифга ҳам раҳмат!» деган экан. Умуман, Тўлқин Ҳайит ҳикояларидаги бадий тасвирлар, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, яшашдан мақсад, дунё ва инсон мавзулари сизни фикрлашга, мулоҳаза юритишга чорлаши билан қадрли. Бу ҳикоялардан чанқоғингизни қондиринг, зеро, китоб ўқиганлар яхшироқ фикрлайдилар. Яна нима деймиз, миттигина китобча доимий ҳамроҳингиз бўлсин, дея яхши ният қилиб қоламиз.

ISBN 978-9943-342-42-2

© «Мухаррир» нашриёти,
Тошкент, 2011 йил.



ЭСКИ ДҮППИ

Катта, кенг, ёруғ дераза ёнида хомуш ўтирган Шавкатнинг қора чарм китобтўрваси очик турар, дафтарлар ёнида буклаб қўйилган эски дўппи ҳам бор эди. Дўппининг кезаклари уникқан, юлдуз ва ой нусха нақшларининг ранги ҳам хира тортган. Жамалак сочли, оқчил юз Ирода оёқ учида юриб келиб, китобтўрвадан дўппини олди. Дераза тепасидаги тарновдан тушаётган ёмғир томчиларига қараганча хаёлга толган Шавкат кизнинг келганини ҳам, дўппини олганини ҳам сезмай қолди.

– Вой-бўй, бу нимаси?.. Қизлар бу ёққа қаранглар?

Ҳангоматалаб шаддод синфдош кизлар бир зумда Ироданинг атрофини ўраб олишди. Дўппи қўлдан-қўлга ўтди.

Шавкат синфдаги энг оғир ва босиқ бола. Шу дамгача биров унинг овозини баланд кўтариб гапирганини, сўз талашганини кўрган эмас.

Ирода уни ҳажвга олмоқни кўзлаб:

– Бу антиқа нимаси, жаноб Камолов?! – дея сўради.

Шавкат ўрнидан турди ва дўппи томон қўлини чўзди:

– Беринглар уни бу ёққа! Беринглар!..

Ирода – синф боши, катта гапиришга ва пичингга ўч. Ҳазил – жони дили. Бирор гапнинг учини топса, томоша кўраверинг. Бунақасини Тошкент циркида ҳам кўрмайсиз.

– Қурбақани боссанг, вақ, дейди! Нега вақ деяпсиз, жаноб Камолов! – дея пичинг қилди у.

Шавкатнинг икки ёноғи қизарди:

– Беданадек сайрама! Дўппимни олиб бер!

Қизлар ҳаҳалаб кулишди:

– Боплади!

– Вой, бу бечорада ҳам тил бор экан!

– «Тирилган мурда» тирилди!

Пичинг ва кулгилар Шавкатнинг қитиғига тегди:



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4636> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4636> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4636>